

Зарифжон Арслонов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA
кафедраси таянч докторанти.
arslonovzarifjon@gmail.com

АЛИХОНТЎРА СОҒУНИЙ ҚАЛАМИГА МАНСУБ АСАРЛАР УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА БИРЛАМЧИ ТАҲЛИЛЛАР

ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА И ПЕРВИЧНЫЙ АНАЛИЗ ПРОИЗВЕДЕНИЙ АЛИХОНТОРА САГУНИ

GENERAL DESCRIPTION AND PRIMARY ANALYSIS OF WORKS BY ALIKHONTORA SAGHUNI

Аннотация: Алихонтўра Соғунининг (1885-1976) илмий меъроси икки турли бўлиб, булар олимнинг ўзи томонидан ёзилган асарлар ва таржима асарларидан иборат. Мазкур мақолада олимнинг ўз қаламига мансуб асарлари, жумладан, “Шифо ал-илал”, “Туркистон қайғуси”, “Тарихи Муҳаммадий” асарлари, уларнинг ёзилиш тарихи, мазмуни ва ўзига хос жиҳатлари тавсифланиб, бирламчи таҳлиллари олиб борилди. Шунингдек, олимнинг туғилиш даври ва шахсиятига оид умумий маълумотлар тақдим этилди.

Калит сўзлар: Алихонтўра Соғуний, Шарқий Туркистон, Шифо ал-илал, тан илми, Туркистон қайғуси, Тарихи Муҳаммадий.

Аннотация: Научное наследие Алихантора Сагуни (1885–1976) делится на двух типов: произведения, написанные самим ученым, и переводные произведения. В данной статье описываются работы ученого, принадлежащие его перу, в том числе труды “Шафа Аль-илал”, “Туркестанская печаль”, “История Мухаммади”, их история, содержание и особенности их написания, а также дается первичный анализ. Также была представлена общая информация о периоде и личности ученого.

Ключевые слова: Алихантура Сагуни, Восточный Туркестан, Шифа ал-илал, наука о теле, Туркестанское горе, История Мухаммеда.

Annotation: The scientific heritage of Alikhantore Saguni (1885-1976) is of two types: works written by the scientist himself and translated works. This article

describes the works of the scientist, including “Shifa al-ilal”, “Turkestan kaygusi”, “Tarikhi Muhammadi”, the history of their writing, content and specifics, and conducts a preliminary analysis. General information about the date of birth and personality of the scientist was also provided.

Keywords: Alikhanture Saghuni, East Turkestan, Shifa al-ilal, body science, Turkistan kayghusi, Tarikhi Muhammedi.

КИРИШ

Хаётнинг ҳар бир ўтган лаҳзаси ўтмиш саналади. Барча соҳалар масалан, диний илимлар, тиббиёт, математика, астронимия, қурилиш, молия-иқтисод, буларнинг ҳаммаси ҳозирги кундаги даражага келгунча турли тарихий босқичларни босиб ўтган. Яъни ибтидоси ва тараққиёт даврига эга. Бунда шахсларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Тарихда шундай шахслар ўтганки, юқорида санаб ўтилган соҳаларнинг барчасида ўз ўрнига эга бўлишган. Уларни биз комусий олимлар деб атаймиз, масалан, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Абу Наср Фаробий каби. Бизнинг диёр бу сингари олимларни нафақат қадим тарихда, балки, яқин ўтмишда ҳам етиштириб чиқарган. Буни Алихонтўра Соғуний мисолида кўришимиз мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Россия босқинидан тўққиз йил ўтгач, 1885 йилнинг 21 мартада собиқ Қўқон хонлиги ҳудуди ҳисобланувчи Тўқмоқ шаҳрида (қадимги номи Боласоғун) Алихонтўра Соғуний дунёга келди [8:3]. У халқ орасида Алихонтўра номи билан машҳур бўлса ҳам асарларида ўзига нисбатан “тўра” сўзини ишлатмаган. Олимнинг хотираларидан иборат “Туркистон қайғуси” асарида: “Мен асли Соғуний ёшлик-йигитлик кунларимдан бошлаб арабий, форсий тилларини тўлиқ равишда ўзлаштирдим. Замоннинг менга кўрсатган тўсқинликларига қарамай Тангри ёрдами билан кенг кўламда диний, тиббий, айниқса, тарихий маълумотларга эга бўлдим...” [4:14] сингари жумлаларни келтирган. “Тарихи Муҳаммадий” номли асари хотимасида эса “Алихон Соғуний Шокирхўжа эшон ўғли Муҳаммадхўжа ўғли Мирниёзхўжа ўғли” [3:672] шаклида исм-шарифини келтирган. Аҳмад Донишнинг “Наводир ал-вақоъ” асари таржимаси “Таржимонлардан”

деб номланган қисмида ўз исми ва миллатини қуйидаги шакилда келтирган:

*“Алидир отим, шухратим Соғуний,
Ғамим халқ учун, миллатим ўзбеки”* [7:10].

Отаси Шокирхонтўра ҳам илми дин олимларидан бири бўлиб, Шокирхўжа Эшон номи билан танилган. Айти пайтда у нақшбандия тариқати намояндаларидан саналган. Қ.Шокировнинг берган маълумотларига кўра, Соғунийнинг онаси Норбуви, бобоси Муҳаммадхўжа, бобосининг отаси Мирниёзхўжа ва ушбу тартибда йигирма нечанчи бобоси Қилич Бурҳон бўлиб, мазкур бобосининг мақбараси Ўзган шаҳрида ҳозирги кунгача сақланиб қолган [4:4].

Алихонтўра Соғуний қаламига мансуб асарлар сони бешта бўлиб, булардан дастлабкиси “Шифо ал-илал” [5:80] номли асардир. Олим мазкур асарини асирлик йилларида Шарқий Туркистонда хитой ҳарбийларидан қочиб юрган вақтда жон сақлаш учун яширинган Кунас ноҳиясидаги қишлоқда ёзиб тамомлаган. Муаллифнинг хотираларини ўзида мужассам этган “Туркистон қайғуси” асарида снинг ёзилиш тарихи ва сабаблари келтирилган: “Вақитлик бўлса ҳам шу фурсатдан фойдаланиб, табобат хизматида ишлаган кунларимдан бошлаб, тўплаган тажрибаларимга асосан: “умримнинг охирида халқ учун, бўлиб ҳам ўз авлодим учун хотира бўлиб қолармикин” деган умид билан аниқ туркий тилда бир китоб ёзиб, номини “Шифоул-илал” қўйдим. Агар шу китобни хушёрроқ бир киши олдида ўтказиб, тушуниб бир таълим олса, ўзи ва бошқалар учун фойдаси бўлиши табиийдир. Унинг устига бу китобча кўзга кичик кўринса ҳам, тарихий даҳшатлик кунларда ёзилган бўлганлигидан авлодимиз учун шу кунларнинг хотираси бўлиб, ҳар уйда бундан бир нусха бўлиши албатта лозимдир” [9:226-227].

Алихонтўра ушбу асарида илм икки турли, яъни дин илми ва тан илмидан иборат эканлигини айтган. Диний илмларни билмаслик инсоннинг имонига салбий таъсир кўрсатиб, охиратида зарар бўлиши мумкинлигини, тан илмини билмаслик эса турмуш-тирикчилик роҳати бузилишига олиб келишини китобининг кириш қисмида таъкидлаб ўтган. Шунингдек, сўзининг давомида қуйидагиларни айтган: “Дин илми деб мусулмончиликка лозим

бўлган шариат илмига айтилу. Тан илми деб, тан-соғлиқни сақлайтувчи тиб илми дейилур. Дин илмини билмак, ўқимоқ ҳар бир мусулмонга қандай фарз бўлса, тиб илмини билмак ҳам шундоқ фарздир, Агар бир шаҳарда, иймон, ислом-мусулмончиликни ўқитиб билдирадурғон уламо бўлмаса ва иссиқ, совуқни айириб, оғрик, касални ажратиб турадурғон ҳукамо бўлмаса, шариатимиз буйруғи буйича ундок шаҳарда ҳеч бир мусулмон одамнинг туриши дуруст бўлмайду. Бу очик масаладу. Шунинг учун мусулмонларга ёдгор булурлук бу тўғрида бир неча асар китобчалар ёзмок ва ҳам шу илмдан ўқитиб, бир неча ислом болаларини тарбият қилмок, фалокатда қолгон миллатим учун муҳим хизматларда бўлмок қўнғлимдаги биринчи орзу-тилақларимдан бўлса ҳам бу кунги чоғлик муяссар бўлмади. Бундан кейин бўларму деган умидим бор. Энди ҳаммасини қилолмасам ҳам ҳаммасидан куруқ қолмай деб, ўз фарзандларим учун ушбу диёрда, яъни Ила ва Ғулжа Туркистон, Фарғона мусулмонлари ичинда кўпроқ бўладурғон иллат-касалларни баён қилиб, шуни шифо-даволарини ёздим, лекин бу варақ юзига ёзган сўзларим ўзим 25-30 йиллар шу илм ичинда хизмат қилиб, кўзим бирла кўриб, қўлим бирла ишлаб тажриба қилгонларимду. Агар фарзандларимиздин қайсилари ақлфаросатли бўлиб зийраклик бирла ушбу сузларни ўз урнида ишлатса, бошқа жоҳил табибларга хожатлари тушмас, деб ўйлайман. Ҳар бир касбларда агар киши хато қилса, зарари молга етар, агар тиб илмида хато қилса, жонга етар” [6:188].

Соғуний ўша йиллардаёқ Европа тиббиётидан хабардор бўлгани ва ўз фаолиятида улардан кенг фойдаланганини кўриш мумкин. Алихонтўра қайси бир касаллик ҳақида айтса, бу касалликни қаерда кимлар нима деб аташини ҳам келтириб ўтган: “Хуқна деб, арабчада амалчани, яъни клизма қуймокни айтилу. Бу иш илгаридан бери ислом ҳукамоларидан ишланиб келинган нарсадир. Кўп яхши илждур. Бу замонимизда мошини клизма пайдо бўлиб, ҳаммага расм-одат бўлиб қолди... Сарсом деб арабчада, туркийда кезик, (юкумли) терламани айту. Дўхтирлар тиф дейду... ёки Зотилжамни туркийда қоғун, қирғизлар қобирғадан сесканган, қон туқурган санчиқ дейду. Рус дўхтирлари воспаление дейдулар... ёки

истисқони, шишиқ илллатини рус дўхтирлари водянка деб айтурлар” [6:194-201].

Айтиш мумкинки, у Абу Бакр ар-Розий, Абу Али ибн Сино, улардан кейинги ислом табибларидан тортиб Европа тиббиётига хабардор бўлган. Шу боис бўлса керак, кейинчалик “Туркистон қайғуси” китобида “Фаробийлар, Ибн Синолар чиққан бу улуг ватаннинг ва миллатнинг келгуси истикболи учун ҳеч ким қайғурмас эди” [9:39], деб чуқур изтироб билан ёзган. Муаллиф мазкур асарни ёзишда тиббиёт соҳасида тўплаган ўттиз йиллик тажрибасига таянган.

Алихонтўра томонидан қаламга олинган яна бир асар “Уйғонайлик, уйғониш даври келди” [10:15] номли рисоладир. У муаллифнинг 1945 йилда Чучак шаҳрида қилган маърузаси матнидан иборатдир. Ушбу рисолада Алихонтўра ҳар бир инсон туғма қобилиятларга эга бўлишини, мазкур қобилиятларни юзага чиқариш учун эса илм ҳамда тарбия олиши лозимлигини айтиб ўтган. Шарқий Туркистоннинг хитойликларга тобеъ бўлиб қоллишига муаллиф давригача мазкур ҳудуд фарзандларининг таълим олишдан узоқ тутилганлиги сабаб қилиб кўрсатилган. Шунингдек, хитойликларнинг Шарқий Туркистон халқларини ўзларига тобеъ тутиши натижасида миллатнинг ахлоқи бузила бошлагани, дин, миллат, ватанга муҳаббат сингари туйғулардан узоқлашганлиги, қиморбозлик, ёлғончилик, моддиятга боғланиб қолиш, фахш ва бошқа шу каби ахлоқсиз иллатларнинг кўпая бошлаганлигига ургу бериб ўтган. Алихонтўра шунингдек, мазкур рисолада Шарқий Туркистоннинг Хитой томонидан қўлга олинишидан кейинги даврини уч турга бўлиб, уларга нисбатан ўз фикрини билдириб ўтган. Муаллиф бу даврларни хонлик, республика ва Шенг Шицаи даврлари номи билан атаган ҳамда мазкур уч даврда содир бўлган қўнғилсизликларни тилга олган. Ўзларини эса Аллоҳнинг иродаси билан ислом ҳукуматини таъсис этганликларини, аجدодлардан меърос бўлиб қолган ой ҳамда юлдуз тасвири ва шаҳодат калимаси тушурилган байроқни кўтариб чиққанликларини баён этган.

1946-1972 йиллар оралиғида Алихонтўра Соғуний томонидан ёзилган шеърлар тўплами ҳам мавжуд бўлиб, у 2005 йилда “Биздан

эмасдирлар ватанни севмаганлар” [2:106] номи остида Тошкентда нашр этилган. Мазкур тўпلامда муаллифнинг ватан, илм ўрганиш, табиатни севиши, соғлиқнинг аҳамияти, тил ва дин тўғрисида ёзган шеърлари жамланган. Шунингдек, унда кўплаб насихатлар, Алихонтўра ҳаётидаги баъзи воқеа-ҳодисалар ва оила аъзоларига бағишланган шеърлар ҳам мавжуд. Алихонтўранинг бошқа асарларида хусусан, хотира китобларида келтирилмаган баъзи маълумотлар ушбу тўпلامга киритилган. Масалан, унинг уйланиш ҳикояси, хотини Тожихоннинг вафот этиши, укаси Сатторхон ва акаси Олимхон тўғрисидаги маълумотлар Алихонтўранинг шеърларида ёки уларнинг изоҳида ўрин олган.

Алихонтўра Соғунийнинг тарихчилар орасида маълум ва машҳур бўлган китоби “Туркистон қайғуси” номли асари бўлиб, муаллиф ушбу асарининг ёзилиш ҳикоясини қуйидагича ифодалаган: “...Мен ёлғизгина исломпараст эмас эдим, балки яратилишимда инсонпараст эдим. Халққа қайси йўлда яхшилиқ қилсам бўлар деб, ёшлиқ, йигитлик давримни ғам-қайғу кунлар билан ўтказдим. Энди бўлса, соч-соқолларим оқариб, қарилик етти. Ёшим саксонга улашиб, ички-ташқи кучларим орқага чекинди. Қарилик юки остида букулиб туриб, олдимизда кўрина бошлаган ҳалокат чуқурлигининг яқинлашаётганлигини кўриб, унга чидаёлмай, келажак авлод-насилларим ғамхўрлиги учун ҳар хил қийинчиликларни кўз олдимга келтириб, бу тарихга ёзишни бошладим. Қаламим тилидан дардлик сўзларим, қонлиқ кўзларимдан оққан ёш, бу ёзаётган китобимнинг бетларини бўямокда эди. Шунинг учун бу китобимнинг номини “Туркистон қайғуси” деб номладим” [9:18].

Алихонтўра Соғунийнинг 1938 йилгача бўлган фаолияти 1969 йилда муаллифнинг ўзи томонидан ёзиб битирилган. Қолган қисмини ёзишга кўзида пайдо бўлган ҳасталик тўсқинлик қилади. Шу сабабли 1938 йилдан кейинги фаолиятларини ёритишни иккинчи ўғли Асилхонтўрага васият қилади ва шу тариқа асарнинг иккинчи қисми ҳам дунёга келади. Мазкур иккинчи қисмнинг номи дастлаб “ўтмишдан сабоқлар” номини олган бўлса, 2011 йил Истанбулда “Туркистон қайғуси”нинг давоми сифатида “Туркистон

кайғуси 2” номи остида нашр этилди [1]. Иккинчи китобнинг аҳамияти шундаки, унда биринчи китобда саналари берилмаган баъзи воқеа-ҳодисаларнинг йиллари кўрсатилган, бир нечта жумла билан келтирилган ҳодисалар кенг ва изоҳлар билан ифодаланган. Шунингдек, Асилхонтўра китобида отаси айтиб берган воқеаларнинг давомини ҳам баён қилиб ўтган. Қисқача қилиб айтганда, Алихонтўра ҳаётини тўлиғроқ ўрганиш учун Асилхонтўранинг хотираларини ҳам ўқиш муҳим саналади.

Ислом пайғамбари Муҳаммад (с.а.в) сийратига оид ўзбек тилида ёзилган илк асар Алихонтўра Соғуний қаламига мансуб бўлиб, у “Тарихи Муҳаммадий” деб номланади. Бу асар диний тазиқлар кучли бўлган 1954-1961 йиллар оралиғида, яширин ҳолатда қаламга олинган. Муаллифнинг ўзи айтганидек, ушбу китобни ёзиш давомида кўрқув ва андишали йилларни бошидан ўтказган. Мазкур асар сўзбошисида муаллиф эркак, аёл, ёш ёки қари бўлишидан қатъи назар ҳар бир мусулмон боласи билиши лозим бўлган нарсаларни санаб ўтган. Булар “Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом тарихлари, Қуръони карим тарихи, дини ислом тарихи, Каъбатуллоҳ тарихи”дир. Муаллиф жумласининг давомида ўз асарини “Тарихи Муҳаммадий” деб номлаганини қуйидагича баён этган: “...Мен фақир Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли Соғунийдурманким, бизлардин кейинги авлод насилларимизга ва ҳам бошқа туркий тиллик ватандош, дин қариндошларимизга мендан ёдгор бўлсин деб юкоридаги тўрт нарса тарихини ҳар қандок киши тушунгудек қилиб, очик туркий тилда ёздим. Бу китобга “Тарихи Муҳаммадий” деб от қўйдим. Буни ўқигувчилар фақирни дуоларида ёд қилиб қўйишларини умид қилурман” [3:14].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мутафаккир олим Алихонтўра Соғуний қочкинлик ва тутқунлик даврларида, шунингдек, Шарқий Туркистондан олиб чиқиб кетилгач, Тошкентда ўтказган умри давомида илм ва маърифат билан машғул бўлиб, бир қанча асарларга муаллифлик қилди. “Шифо ал-илал”, “Уйғонайлик, уйғониш даври келди”, “Биздан эмасдирлар ватанни севмаганлар”, “Туркистон кайғуси”, “Тарихи Муҳаммадий” каби асарлар

ўз ёзилиш тарихига эга бўлиб, уларда бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб турган диний-маърифий ва ватан тарихига оид масалалар ёритилган. Шу сабабли олимнинг илмий меъросини чуқурроқ ўрганиш тадқиқотчилар олдида турган асосий вазифалардан бири саналади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Alixanto‘ra Sog‘uniy. Turkiston qayg‘usi. – Istanbul, 2011.
2. Алихонтўра Соғуний. Биздан эмасдирлар Ватанни севмаганлар. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005. – 106 б.
3. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – Б. 672.
4. Алихонтўра Соғуний. Туркистон кайғуси / (I-II қисмлар) нашрга тайёрловчи Қутлуғхон (Эдиқут) Шокиров. – Тошкент: Шарк, 2020. – Б. 14.
5. Алихонтўра Соғуний. Шифо ал-илал. – Тошкент: Мовароуннахр, 2004. 80 б.
6. Алихонтўра Соғуний. Шифо ул-илал // Шарк юлдузи журнали, № 6. 1996. – Б. 186-222.
7. Аҳмад Дониш. Наводир ал-вақое. Форс-тожикчадан Алихонтўра Соғуний ва Абдурахмон Ҳамроев таржимаси. – Тошкент-Истанбул, 2021.
8. Қ Шокиров. Икки Туркистон ғурури // Шарк юлдузи, № 7. 1992-йил. – Б. 3-18.
9. ئەلخان تۆره ساغۇنىي. تۇركىستان قايغۇسى (نەشرگە تەييارلىغۇچى: ھاجى ئابدۇررشىد كېرىمى). – مەيۋىنخېن گېرمانىيە: دۇنيا ئۇيغۇر قۇرۇلتىيى نەشر قىلدى، 2007. ب 269.
10. ئەلخان تۆره ساغۇنىي. ئۇيغۇنلىق، ئۇيغۇنلىق دىمورى كەلدى. تارىقاتاي ۋالى مەھكىمىسىنىڭ «خەلق ئاۋازى» گېزىتى. 1945.